ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

(ЎзМУ ректори)

202*1* йил “*26*” *08*

# АМАЛИЙ СИЁСАТШУНОСЛИК

## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**Билим соҳаси:** 300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот.

**Таълим соҳаси:** 310 000 – Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар.

**Таълим йўналиши:** 60310700 – Сиёсатшунослик.

Тошкент – 2021

<table>
<tr><td colspan="2">Фан/модуль коди<br>ASIB-105</td><td>Ўқув йили<br>2021-2022</td><td>Семестр<br>2</td><td colspan="2">Кредитлар<br>5</td></tr>
<tr><td colspan="2">Фан/модуль тури<br>Мажбурий</td><td colspan="2">Таълим тили<br>Ўзбек</td><td colspan="2">Ҳафтадаги дарс соатлари<br>4</td></tr>
<tr><td rowspan="2">1.</td><td colspan="2">Фаннинг номи</td><td>Аудитория машғулотлари (соат)</td><td>Мустақил таълим (соат)</td><td>Жами юклама (соат)</td></tr>
<tr><td colspan="2">Амалий сиёсатшунослик</td><td>60</td><td>90</td><td>150</td></tr>
<tr><td>2.</td><td colspan="5">I. Фаннинг мазмуни<br><br>Фанни ўқитишдан мақсад – Амалий сиёсатшунослик фани, унинг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, механизмлари, услублари,ислоҳотлар жараёни билан уйғун боғлиқлиги, давлат бошқарувидаги ўрни, турли сиёсий жараёнларда амалий фаолиятда сиёсий онг ва маданиятни тўғри қўллай билиш билимига эга бўлиши, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилган. Мазкур фан замонавий амалий сиёсатшунослик доирасидаги билимларни шакллантириш ва таҳлилий кўникмаларни қарор топтириш, сиёсатнинг фундаментал моделларидан фойдаланиш ва воқеаларни таҳлил этиш ҳақида билим бериш, сиёсий хавфларни баҳолаш ва уларни амалиётда ўзлаштириш,сиёсийбашорат моделларини ўргатиш, сиёсий ахборот йиғиш ва уларни тизимли таҳлил қилиш кўникмаларни шакллантириш,сиёсий тадқиқот технологиялари билан таништириш ва уларни амалда қўллай билиш кўникмаларини шакллантиришга каратилган.<br>Фаннинг вазифаси –талабаларнинг сиёсий саводхонлигини тарбиялаш, уларнинг мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш;талабаларни атрофдаги сиёсий воқелик масалаларини ўрганишга ўргатиш, уларни ҳозирги босқичда бўлаётган сиёсий жараёнларга фаолроқ жалб қилиш;касбий фазилатларни шакллантиришга ҳисса қўшиш;дунёнинг ўзгарувчан сиёсий манзараси ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлишга ёрдам бериш;сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш, сиёсий қарорлар қабул қилиш, сиёсий таҳлил ва прогноз воситаларига эга бўлишнинг асосий усулларини талабага ўргатиш.<br><br>II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)<br>II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:<br>1-мавзу. Амалий сиёсатшунослик фанининг предмети,мақсадива вазифалари<br>Амалий сиёсатшуносликнинг предмети, усуллари,мақсади ва вазифалари. Сиёсатшуносликда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг мезонлари ҳамдаўзаро фарқланиши. Амалий сиёсатшуносликнинг асосий йўналишлари: сиёсий таҳлил; сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни; йўналтирилган сиёсий таъсир технологиялари. Сиёсатшунослик билимлари тизимида амалий</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| | Учебное пособие.2-е изд., испр. Гриф ФУМО. – М.: Аспект Пресс, 2019. – 496 стр.<br>16. Соловьев А.И.Политика и управление государством : очерки теории и методологии: монография. – Москва: Аспект Пресс, 2021.– 256 стр.<br>17. Utamuradov A.va boshq. Fuqarolik jamiyati (O‘quv qo‘llanma) – T.: “Mumtoz so‘z”, 2018. 24,75 b.t.<br><br>**Ахборот манбаалари**<br>18. www.prezident.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти<br>19. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.<br>20. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.<br>21. www.ziyonet.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим портали |
| 7. | Ўзбекистон Миллий университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. |
| 8. | **Фан/модуль учун маъсулар:**<br>Ж.Юсубов–ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).<br>Ж.Акрамов – ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси катта ўқитувчиси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).<br>Ж.Мирзавалиев – ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси. |
| 9. | **Тақризчилар:**<br>Х.Ахмедов – ЎХИА хузуридаги малака ошириш маркази директори, сиёсий фанлар доктори,профессор в.б.<br>А.Ўтамуродов–ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси мудири, профессор. |



| | |
|---|---|
| | сиёсатшуносликнинг ўрни ва роли.<br><br>**2-мавзу. Амалий сиёсатшунослик тадқиқоти усуллари**<br>Сиёсий жараёнларни амалий тадқиқ қилишда маълумот тўплаш усуллари: кузатиш, сўровнома ўтказиш, мониторинг тадқиқотлари. Сиёсий таҳлилда миқдорий (расмийлаштирилган) усуллар. Сиёсий таҳлилнинг сифат усуллари: умумий хусусиятлари, асосий афзалликлари ва камчиликлари.<br><br>**3-мавзу. Сиёсий менежмент**<br>Давлат ва муниципал бошқарувда сиёсий менежмент. Маъмурий ислоҳотларни бошлаш ва амалга ошириш. Демократик қадриятларвадавлат бошқаруви, давлат бошқарувини тадқиқ этиш методологияси. Жамоатчилик сектори, жамоатчилик секторини бошқариш назариялари, жамоатчилик секторида самарадорликни баҳолаш.<br><br>**4-мавзу. Сиёсий-бошқарув цикли: тузилиши, босқичлари ва таркибий қисмлари**<br>Ўз-ўзидан пайдо бўладиган сиёсий фаолият ва бошқариладиган сиёсий харакатлар. Сиёсий-бошқарув цикл ўзаро боғлиқ асосий босқичларининг қисқача тавсифи: вазиятни таҳлил қилиш; қарор қабул қилиш; сиёсий-бошқарув таъсири. Вазиятни сиёсий таҳлил қилиш ва унинг асосий босқичлари: диагностика, башорат қилиш, лойиҳани ёки “дизайн”, сиёсий йўналишни режалаштириш ва моделлаштириш.<br><br>**5-мавзу.Муаммоли-сиёсий вазият: тузилиши, шакллари ва таҳлил турлари**<br>Муаммоли-сиёсий вазият амалий сиёсий таҳлилнинг бошланғич нуқтаси сифатида. Сиёсатнинг статистик ва динамик хусусиятларини ҳисобга олиш ва сиёсий жараённи воқеалар “занжири” ва вазиятлар тўплами (ансамбли) сифатида таҳлил қилиш. “Сиёсий вазият” асосий категорияси ва “сиёсий воқеа” тушунчаси ўртасидаги боғлиқлик. Сиёсий вазиятларнинг турлари: маҳаллий, минтақавий ва глобал; узоқ муддатли (стратегик), ўрта муддатли (оператив) ва қисқа муддатли (тактик); ўтиш (транзит) ва барқарор. Сиёсий вазият бош моделининг асосий компонентлари. Сиёсий вазиятда кучлар мувозанати ва номутаносиблиги.<br><br>**6-мавзу.Сиёсий тадқиқотларда сиёсий воқеаларни ўлчаш, миқёсини аниқлаш ва танлов услублари**<br>Ўлчов назарияси, унинг сиёсий таҳлилда қўлланилиши. Асосий ўлчов даражалари: номинал, тартибли, интервал. Ўлчов воситасининг асослилиги ва ишончлилиги тушунчаси. Сиёсий таҳлилда миқёсни аниқлаш. Умумий ва танлов йиғиндиси тушунчалари. Танлов ҳажми. Танловни шакллантириш усуллари. |

**7-мавзу. Жамиятдаги сиёсий кучларнинг уйғунлигини баҳолаш усуллари**

Сиёсий таҳлилда ижтимоий-сиёсий кучларнинг уйғунлиги ва мувозанати диагностикаси.Ижтимоий ва сиёсий акторларнинг турлари. Акторларнинг таркиби ва хусусиятлари. Вазиятдаги кучлар мувозанатини баҳолаш; акторларнинг “чапдан ўнгга” сиёсий позициялари тўплами ва улар орасидаги муносабатлар.Жамиятдаги сиёсий кучларнинг уйғунлигини баҳолашнинг жадвалли ва динамик методикаси.

**8-мавзу. Амалий сиёсий таҳлил турлари**

Сиёсий таҳлилнинг моҳияти ва аҳамияти. Сиёсий таҳлил амалий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида. Сиёсий статистиканинг амалий сиёсий таҳлилдаги ўрни.Амалий сиёсий таҳлилнинг асосий турлари, уларнинг моҳияти, тузилиши ва мазмуни. Сиёсий башорат ва стратегик режалаштириш, шунингдек, амалий сиёсатшуносликдаги бу турдаги таҳлилнинг ўзига хослиги ва ўрни.

**9-мавзу. Сиёсий рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш методологияси**

Риск тушунчаси ва унинг турлари. Сиёсий рискнинг ўзига хослиги ва тузилиши. Сиёсий рискнинг объектив ва субъектив компонентлари. Сиёсий рискни тадқиқ этиш мақсадларива таҳлил қилиш методикаси. Сиёси риск даражаси. Риск даражаларининг кўрсаткичлари вабаҳолаш методикаси. Сиёсий рискларни бошқариш. Турли акторлар томонидан қарор қабул қилиш жараёнида сиёсий рискларни ҳисобга олиш.

**10-мавзу. Сиёсий башорат: турлари ва усуллари**

Амалий башорат сиёсий прогностиканинг компоненти сифатида. Сиёсий воқеаларни башорат қилишда амалий ва назарий ёндашувларнинг ўзаро боғлиқлиги. Башорат турлари. Норматив ва қидирув башоратлари. Ретроспектив (реконструктив) башорат. Сиёсий башорат қилиш услублари ваэксперт баҳоларининг ўрни.

**11-мавзу.Сиёсий қарорларни қабул қилиш: моҳият ва процедура**

Қарор муқобил вариантни оқилона танлаш ва сиёсий ҳаракатнинг идеал модели сифатида. Сиёсий қарорларнинг ўзига хослиги ва турлари. Давлат ва жамоат ташкилотларида қарор қабул қилиш хусусиятлари. Сиёсий қарорлар қабул қилиш цикллари ва асосий босқичлари. Қарор қабул қилишнинг асосий турлари: индивидуал, гуруҳли, оммавий. Қарор қабул қилишнинг рационал-универсал усули, тармоқ усули ва аралаш-сканерлаш усули.Сиёсий қарор лоббизм объекти сифатида. Босим гуруҳларининг турлари.

**12-мавзу. Сиёсий консалтинг**

Сиёсий консалтингнинг асосий функциялари ва турлари. Сиёсат



5. **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**

жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни муваффақиятли топшириш.

6. **Асосий адабиётлар**

1. Джумаев Р.З. ва бошқ. Сиёсий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДШУ, 2020.–148б.
2. Джумаев Р.З., Ёвқочев Ш. Сиёсий технологиялар. – Т.: ТДШУ, 2018. – 232 б.
3. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик.Ўқув қўлланма. АДУ. –Т;, Янги асравлоди, 2013.
4. Қуранбаев Қ., Мирзаахмедов К. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма, –Т.: Камалак, 2013.
5. Холов А.Х.Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг замонавий усуллари ва раҳбар масъулияти. Монография. –Т.: “Tafakkur-qanoti” нашриёти, 2017. 224 б.;

**Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 508 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 452 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2021.
8. Бекмуродов М.ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари, – Т .: Ғафур Ғулом, 2017.– 236 б.
9. Василенко И.А. Сравнительная политология (для бакалавров). Учебное пособие. М.: КноРус. 2020.
10. Грановский С. А. Прикладная политология. Учеб. пособие для вузов. - Москва: Флинта, 2004. – 404 с.
11. Кретов Б.И., Горбунов А.А. Прикладная политология. Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2009. – 304 с.
12. Малишевский Н.Н. Технология и организация выборов. – Минск: Харвест, 2003. – 290 с.
13. Михайлов О.В. Сравнительная политология. Учебник и практикум для вузов. – М.: Юрайт. 2020.
14. Ситников А.П. Политический консалтинг. – Москва: ГУ ВШЭ, 2004. – 622 с.
15. Соловьев А.И. Принятие и исполнение государственных решений.

48. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи шароитида коррупцияга қарши курашнинг сабаблари, тизими ва истиқболлари.

49. Ўзбекистон Республикасининг жорий ривожланиш даражасини баҳолаш.

50. Ўзбекистон Республикасининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган дунёдаги тенденциялар.

51. Ўзбекистон Республикасининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар.

52. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2035 йилдаги мақсадли кўрсаткичлари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

3.

## V. Таълим натижалари / Касбий компетенциялари

**Талаба:**

- Амалий ва назарий сиёсатшуносликнинг ўхшашликлари ва фарқлари тўғрисида, сиёсатшуносликда амалий сиёсатнинг ўрни ва роли ҳақида, амалий сиёсатшуносликнинг тадқиқот усуллари ва услублари ҳақида***тасаввурга эга бўлиши***;**(билим)**
- Амалий сиёсатшуносликнинг концептуал-методологик асослари; амалий сиёсий таҳлилнинг асосий босқичлари ва турлари (тавсифий аналитика, диагностика, прогностика ва бошқалар); сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаш моделлари ва амалий ривожланиш тенденциялари; сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг асосий моделлари ва процедуралари; амалий сиёсатшунослик билан боғлиқ асосий касбий атамалар ва тоифалар, тамойиллар ва таснифлар***билиши ва улардан фойдалана олиши***;**(кўникма)**
- Сиёсий ҳаётнинг ривожланишининг объектив қонуниятларини тушуниш, ўзгарувчан сиёсий вазиятларга тезда мослашиш ва ҳаракат қилиш; сиёсий менежментда бошқарув таъсирининг индивидуал технологиялари билан ишлаш; турли сиёсий жараёнларда онгли равишда иштирок этиш ва асосли қарор (масалан, айрим давлат органларига сайловларда) қабул қилиш; сиёсий консалтингнинг турли тартибларини қўллаш; янги сиёсий воқеликка мослашиш учун зарур бўлган сиёсий билимларни қўллаш; олинган билимларни касбий амалиётда, сўнгра иш фаолиятида амалга ошириш***кўникмаларига эга бўлиши керак.***(**малака**)

4.

## VI. Таълим технологиялари ва методлари:

- маърузалар;
- интерфаол кейс-стадилар;
- семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);
- гуруҳларда ишлаш;
- тақдимотлар қилиш;
- индивидуал лойиҳалар;
- жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.



консалтинг қоидалари. Консултант ва мижоз ўртасидаги масофа. Консултант образлари: “менежер”, “ўт ўчирувчи”, “ўқитувчи”, “маслаҳатчи”, “шифокор” ва бошқалар. Сиёсий эксперт ишидаги хизматларнинг фойдалилиги ва маълумотларнинг аҳамияти. Конфиденциалликнинг роли.

### 13-мавзу. Сайлов кампанияларини ўтказиш ва сиёсий рекламаларни амалга оширишнинг умумий тавсифи ва технологиялари

“Сайлов” тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари, тизимлари. “Сайлов кампанияси” тушунчаси ва таснифи. Сайлов кампаниясида расмий “ўйин қоидалари”ни баҳолашда ҳуқуқий меъёрлар ва маданий анъаналарни ҳисобга олиш. Сиёсий рақибларга қарши сайловолди кураш тактикаси. Сайлов кампанияларининг стратегияси ва тактикаси, ресурслари, йўналишлари ва босқичлари. Сайлов кампаниясини аналитик қўллаб-қувватлаш. Сайлов кампанияси технологиялари. Оммавий ахборот воситалари билан мулоқот ва тарғибот ишлари.“Сиёсий реклама” тушунчаси. Сиёсий рекламанинг ижтимоий табиати ва унинг манипуляция ҳамда оммавий мулоқот усули сифатидаги хусусиятлари.

### 14-мавзу. Коррупцияга қарши кураш амалий сиёсатшунослик фани объекти сифатида

“Коррупция” тушунчаси. Сиёсий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан коррупция моҳиятини аниқлаш. Коррупция ва жиноятчилик. Коррупциянинг асосий турлари ва шакллари. “Сиёсий коррупция” тушунчаси. Сиёсий коррупцияга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари. Давлат органларида коррупцияга қарши кураш стратегияси ва усуллари. Ўзбекистонда давлат органларида коррупцияга қарши курашнинг сиёсий-мафкуравий ва сиёсий-бошқарув механизмларини амалга ошириш тенденциялари.

### 15-мавзу. Янги Ўзбекистон Стратегияси

Янги Ўзбекистон ривожланиш стратегияси: янгиланиш ва тараққиёт омиллари.Халқпарвар давлат: “Давлат – инсон учун” тамойили – демократикислоҳотлар мезони. Давлат бошқарувининг цивилизациявий имкониятлари. Ўзбекистон ривожланишигатаъсир кўрсатадиган дунёдаги тенденциялар. Ўзбекистон ривожланишига таъсир қилувчи омиллар. Ўзбекистоннинг 2035йилгача ривожланиш стратегияси концепцияси. Ўзбекистонда Ислоҳотларни бошқариш марказини яратиш. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш. Адолатли ижтимоий сиёсат.Маънавий тараққиёт. Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар.Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2035 йилдаги мақсадли кўрсаткичлари. Стратегияни амалга оширишнинг асосий босқичлари: “Стратегик пиллапоя”. 2022-2025 йилларда Стратегияни амалга ошириш учун зарур бўлган қадамлар.

## III. Амалий машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Амалий сиёсатшунослик фанининг предмети, мақсади ва вазифалари
2. Амалий сиёсатшунослик тадқиқоти усуллари
3. Сиёсий менежмент
4. Сиёсий-бошқарув цикли: тузилиши, босқичлари ва таркибий қисмлари
5. Муаммоли-сиёсий вазият: тузилиши, шакллари ва таҳлил турлари
6. Сиёсий тадқиқотларда сиёсий воқеаларни ўлчаш, микёсини аниқлаш ва намуна олиш услублари
7. Жамиятдаги сиёсий кучларнинг уйғунлигини баҳолаш усуллари
8. Амалий сиёсий таҳлил турлари
9. Сиёсий рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш методологияси
10. Сиёсий башорат: турлари ва усуллари
11. Сиёсий қарорларни қабул қилиш: моҳият ва процедура
12. Сиёсий консалтинг
13. Сайлов кампанияларини ўтказиш ва сиёсий рекламаларни амалга оширишнинг умумий тавсифи ва технологиялари
14. Коррупцияга қарши кураш амалий сиёсатшунослик фани объекти сифатида
15. Янги Ўзбекистон Стратегияси

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## IV.Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Амалий сиёсат тадқиқотлари усулларининг таснифи.
2. Замонавий фан тизимида амалий сиёсатшунослик.
3. Сиёсатшунослик тадқиқотининг хусусиятлари, унинг таснифи ва амалга ошириш босқичлари.
4. Сиёсий-аналитик тадқиқот дастури тушунчаси, унинг асосий таркибий блоклари.
5. Сиёсий жараёнларни тадқиқ этиш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш.
6. Замонавий Ўзбекистонда амалий сиёсатшуносликнинг фан сифатидаги аҳамияти.
7. Сиёсатшуносликда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг мезонлари ҳамда ўзаро фарқланиши.
8. Сиёсий таҳлилнинг сифат усуллари.
9. Давлат бошқарувини тадқиқ этиш методологияси.
10. Жамоатчилик секторини бошқариш назариялари.
11. Вазиятни сиёсий таҳлил қилиш ва унинг асосий босқичлари.
12. Сиёсий йўналишни режалаштириш ва моделлаштириш.
13. Сиёсий вазиятларнинг маҳаллий, минтақавий ва глобал турлари.



14. Сиёсий вазиятларнинг узоқ муддатли (стратегик), ўрта муддатли (оператив) ва қисқа муддатли (тактик)турлари.
15. Сиёсий таҳлилда ижтимоий-сиёсий кучларнинг уйғунлиги ва мувозанати диагностикаси.
16. Ижтимоий ва сиёсий акторларнинг турлари.
17. Жамиятдаги сиёсий кучларнинг уйғунлигини баҳолашнинг жадвалли ва динамик методикаси.
18. Сиёсий таҳлилнинг моҳияти ва аҳамияти.
19. Сиёсий таҳлил амалий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида.
20. Сиёсий статистиканинг амалий сиёсий таҳлилдаги ўрни.
21. Сиёсий воқеанинг тузилиши ва сиёсий воқеаларни тавсифий таҳлил қилиш
22. Сиёсий рискнинг объектив ва субъектив компонентлари.
23. Сиёсий риск миқёси: аниқлаш методикаси.
24. Сиёсий рискларни даражаси ва уни бошқариш.
25. Ретроспектив (реконструктив) башорат.
26. Сиёсий башорат қилиш услублари.
27. Сиёсий башорат қилишда эксперт баҳоларининг ўрни.
28. Сиёсий қарорларнинг ўзига хослиги ва турлари.
29. Қарор қабул қилиш агентлари: қарор қабул қилиш марказлари ва қарор қабул қилувчи шахслар.
30. Сиёсий қарорлар қабул қилиш цикллари ва асосий босқичлари.
31. Сиёсат консултант образлари.
32. Сиёсат консалтингдаконфиденциалликнинг роли.
33. “Сайлов” тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари, тизимлари.
34. Сайлов кампанияси йўналтирилган бошқарув таъсири ва фуқароларни сиёсий сафарбар қилиш усули сифатида.
35. Сайлов кампанияларининг стратегияси ва тактикаси.
36. Сайлов кампанияси босқичлари.
37. Сайлов кампанияси технологиялари.
38. “Сиёсий реклама” тушунчаси.
39. Сиёсий рекламанинг аудитория турига мос келиши.
40. Таъсир бўйича сиёсий реклама типологияси.
41. Коррупция феноменини ўрганишга сиёсий ёндашув.
42. Коррупция жиноятларининг тўлиқ сабаб-мажмуаси ва коррупцияга қарши чоралар умумий тизимининг асосий элементлари.
43. Коррупция фаоллигини аниқлашнинг замонавий концепциялари.
44. Сиёсий коррупция “сояли ҳокимият” шакли сифатида.
45. Сиёсий коррупцияни минималлаштиришнинг асосий йўналишлари ва воситалари.
46. Сиёсатшуносликда “коррупцияга қарши сиёсат” тушунчаси.
47. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.